

АГРАР СОҲАДА ИНФРАТУЗИЛМА ТАРМОҚЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА ЛИЗИНГНИНГ АҲАМИЯТИ


Хамраева С.Н.-ҚМШИ, катта ўқитувчи

Салимов О.- ҚМШИ, талаба

Ҳар бир корхона ўзининг хўжалик молиявий фаолиятини амалга ошириш учун пул маблағларига эҳтиёж сезади. Тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш – бу оддий ва кенгайтирилган молиявий таъминотнинг турли хил шакл ва услублари, принцип ва шароитларнинг йиғиндисидир.. Бозор шароитида кўпгина корхоналар олдида молиялаштириш манбаларини излаб топиш ва танлаш муаммоси мавжуд. Молиялаштириш манбаларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан соҳанинг ўзига хос хусусиятига, мамлакатдаги ҳуқуқий нормативларга ва бошқа бир қатор омилларга боғлиқ. Ҳозирги вақтда жаҳон тажрибисидан келиб чиқадиган бўлса, лизинг молиялаштиришнинг замонавий ва самарали усулларида бири ҳисобланади. У орқали ҳар қандай корхонанинг моддий – техника базасини мустаҳкамлаш учун йирик маблағларни жалб этиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ВМнинг 2000 йил 2 ноябрдаги 240 – сонли “Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора – тадбирлари тўғрисидаги” қарори асосида, лизинг операцияларини амалга оширилишини молиявий жиҳатдан қўллаб – қўвватлаш мақсадида Молия вазирлиги ҳузурида махсус жамғарма тузилди ҳамда у томонидан “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” лизинг компаниясига мунтазам равишда қарз маблағлари ажратилиши белгилаб қўйилди. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, бир тарафдан инфратузилма объектлари, асосан муқобил МТП ва МТП ДАЖларнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари пасайганлиги, иккинчи тарафдан техникаларнинг харид қиймати кескин ошгани сабабли техникаларни лизингга олишда муаммолар пайдо бўлмоқда. Мисол учун, 2002 йилда ТТЗ 80 – 11 тракторнинг харид қиймати 9392,9 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2008 йилга келиб унинг қиймати 32713,2 минг сўмни ташкил этди, яъни

деярли 3,4 баробар ошганлигини кўришимиз мумкин. Натижада инфратузилма объектлари томонидан лизингга олинган техникалар сони ва унга ажратилган маблағ миқдори кескин пасайиб борган (1 - расм). 2008 йилда 2002 йилга нисбатан, инфратузилма объектлари лизинг асосида олган техникаларни “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” АЛК томонидан молиялаштириш учун ажратилган маблағ миқдори 14 баробарга камайган, яъни 2002 йилда қишлоқ хўжалиги инфратузилма объектлари томонидан “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” АЛК Қашқадарё вилоят филиали орқали олинган техникаларни молиялаштирилиш 2421376,8 минг сўм маблағ ажратилган бўлса, 2008 йилда 172203,0 минг сўм қийматида маблағ ажратилган.



Манба:


“Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” АЛК Қашқадарё вилоят филиали маълумотлари асосида муаллиф томонидан таҳлил қилинган ва ишлаб чиқилган

1 – расм. “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” АЛК Қашқадарё вилоят филиали орқали олинган техникаларни молиялаштирилиши

Лизинг муносабатларини кенгайтириш қишлоқ хўжалиги корхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда устувор йўналиш ҳисобланади. Кейинги йилларда лизинг тўғрисидаги меъёрий ҳужжатларда 40дан зиёд ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди. Бунинг натижасида 2007 йилда лизинг муддати 7 йилдан 10 йилга ўзайтирилди, лизинг бозорида лизинг

компаниялари билан бирга тижорат компаниялари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу эса ўз навбатида лизинг бозорида рақобатнинг кўчайишини олиб келади.

2002 – 2008 йиллар давомида қишлоқ хўжалиги корхоналари ва инфратузилма объектларига 1689та турли хилдаги қишлоқ хўжалиги техникалари “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” Акционерлик лизинг компанияси томонидан етказилган. Аммо кейинги йилларда муқобил МТП ва МТП ДАЖ корхоналарнинг иқтисодий салоҳияти етишмаслиги сабабли лизинг асосида техникаларни лизинг асосида харид қилиш суръати пасайган. (2 - расм)



Манба: “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” АЛК Қашқадарё вилоят филиали маълумотлари асосида муаллиф томонидан таҳлил қилинган ва ишлаб чиқилган

2002 йилда асосан ширкат хўжаликлар техникаларни лизинг асосида харид қилишган бўлса, 2008 йилга келиб лизинг асосида харид қилинган техникаларнинг асосий қисми фермер хўжаликлар ва қишлоқ хўжалиги инфратузилма объектлар зиммасига тўғри келади.

Умуман олганда, қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси фаолиятини ривожлантиришда амортизация харажатлари ва илмий – тараққиёт талабларидан келиб чиққан ҳолда ушбу соҳага маълум бир инвестицияларни жорий этишни талаб этади. Инфратузилма объектларнинг моддий – техника базасини мустаҳкамлашга сарфланган сармоя, албатта, иқтисодий самарадорликни оширишга йўналтирилиш лозим.

